

## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 29 октябр кунини АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик изхор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун АҚШ Президенти Барак Обама ва Давлат котиби Жон Керрига самимий миннатдорлик билдирди. АҚШ делегацияси 28 октябр кунини Самарқандда бўлиб, Ислоом Каримов хотирасига хурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимиз хотирасига ва халқимизга юксак хурмат-эҳтиром ифодасидир.

Сўхбат давомида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ўзаро хурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида изчил, муваффақиятли ривожланаётгани ва мустақамлашиб бораётганини таъкидладилар.

Турли даражадаги мунтазам мулоқотлар кўп қиррали ҳамкорликни самарали ривожлантириш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоввий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Анъана тусини олган сиёсий маслаҳатлашувлар доирасида томонлар ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш юзасидан фикр алмашиб келмоқда. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш жараёни ва ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Томонлар савдо, сармоя ва юқори технологиялар соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка юксак баҳо бердилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг «General Motors», «Boeing», «General Electric», «Honeywell», «Hyatt», «Hilton» каби кўплаб етакчи компаниялари самарали фаолият юритмоқда. Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг аниқ мақсадли фаолияти кенг миқёсдаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари мамлакатларимизнинг узок муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишларда шериклик ва ҳамкорликни изчил мустақамлаш, кенгайтириш бориш учун зарур имконият ва салоҳиятга эга экани қайд этилди.

АҚШ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қўламли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, фуқаролик жамияти асосларини ва демократик кадрларнинг мустақамлашга қаратилган улкан ўзгаришларнинг ёрқин натижаларини юксак баҳолади.

Томас Шэннон юртимизга ташрифи асносида ўзбек халқи бой тарихий-маданий ва маънавий меросга эга эканига яна бир бор амин бўлганини алоҳида қайд этди.

Эшлар, турли диний конфессиялар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан очиб ва самимий сўхбатлар, уларнинг эртанги кунга ишончи, интилуванчилиги, қатъияти ва ғайрат-шижоати меҳмонда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро барқирорлик муҳити диққатга молик экани алоҳида таъкидланди.

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясига ҳам ташриф буюриб, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёшги Паралимпия ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимизни табрикланди.

Томас Шэннон самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ва АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан серкирра муносабатларни изчил ва барқарор ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат давомида икки ва кўп томонлама аҳамиятга эга бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Касаба уюшмалари — болаларга!

## «ИСТИҚЛОЛ ГУНЧАЛАРИ» ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилган уч босқичли «Истиқлол гунчалари» кўрик-танлови болажонларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллий фахр-ифтихор туйғуларини уйғотгани айни ҳақиқатдир. Қолаверса, танлов юртимизда янги-янги истеъодлар камолга етаётганини исботлади.

Дарҳақиқат, катта санъат байрамига айланган «Истиқлол гунчалари» кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёш авлод қалбида санъатга ва бадий ҳаваскорлик иходиётига бўлган қизиқишни ўстириш, иқтидор эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг мусиқий ва эстетик дидларини шакллантириш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бу орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш, миллий кадрларни эъозлаш ҳамда кўпмиллатли мамлакатимизда яшайётган халқларнинг бой маданий мерос ва анъаналарини қадрлашга ўргатиш, шунингдек, меҳнатқашлар фарзандлари орасидан иқтидорларни аниқлашдан иборат.

✎(4).



## САМАРҚАНДГА ТАШРИФ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар жорий йил 31 октябр кунини Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Йўлбошимиз қабрига гул қўйилиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирилди. Ислоом Каримов руҳи покларига Куръон тиловат қилинди.

Ислоом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли қўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби, халқаро майдонда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси манфаатларини муносиби ҳимоя қилган улғў сиёсатчи бўлгани таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоом Каримов вафоти Ҳиндистон ҳукумати ва халқини ҳам чуқур қайғуга солди, — дейди Мобашар Жавад Акбар. — Чунки Ислоом Каримов нафақат Ўзбекистон раҳбари, балки халқаро майдонда юксак нуфузга эга, тинчликпарвар, доно сиёсатчи эди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг мустақамлашишида Ислоом Каримовнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз бу алоқаларни изчил давом эттиришга тайёриймиз.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихидан сўзловчи «Афросиёб» музейидаги ноёб экспонат ва ашёлар, дунёга машҳур деворий суратларни қизиқиш билан томоша қилди. Шаҳар ўтмиши акс

этирилган ҳужжатли филм уларда катта таассурот қолдирди.

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш чоғида мазкур ёдгорликнинг яратилиш тарихи, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мирзо Улғубек ёдгорлик мажмуи ва шаҳардаги бошқа тарихий обидалар, миллий хунармандлик маҳсуллари кўргазмаси ҳам Ҳиндистонлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар бундай ноёб меъморий обидаларни бунёд этган буюк аждодларимиз ақлу заковатига, уларни беизвол асраб келётган бугунги авлоднинг тарихимизга муносабатига юксак баҳо берди.

Ф.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар.

## ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Мазкур ҳужжат демографик омиллар ва иқтисодиётдаги тарихий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодий тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутди.

Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини — қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини — шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ўтган йиллардан фарқли равишда келгуси йил дастурининг параметрлари янада оптималлаштирилиб, ҳудудлар ва корхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олингани алоҳида таъкидланди. Жумладан, қурилиш ва инфраструктура ривожлантириш, туман ва шаҳарларда кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратишнинг йўналишлари кенгайтирилган. Шунингдек, ушбу дастур лойиҳасини тайёрлашда 2016 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларининг ижроси юзасидан депутатлар томонидан амалга оширилган парламент назорати яқунлари натижада ишлаб чиқилган тақлифлар эътиборга олинган.

Ушбу дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтириш, ҳар бир депутатнинг ушбу масалага масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мазкур тақлифлар инobatга олинган ҳолда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ж.Носиров, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш жоиз, 2017 йилги дастурга кўплаб янгилеклар киритилган. Жумладан, фракциямиз ҳудудлардаги мавжуд ички имкониятларни тулиқ сафарбар қилиш орқали иш ўринларига талаб юқори бўлган 34 та туманда аҳоли бандлигини таъминлашга доир махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратди. Бу нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради, балки ушбу ҳудудларда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаятган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтириш ҳамда замонавий инфраструктура объектларини барпо этиш имкониятини яратди.

✎(2).

Сайлов — 2016

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ



2016 йилнинг 31 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида видеоконференц-лоқа шаклида «Оммавий ахборот воситалари ва сайловолди ташвиқоти» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов ва бошқалар сайлов жараёнида барча фуқароларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тулиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминлашнинг таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. Шу йилнинг 28 октябрдан сайловолди ташвиқоти бошланди. «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга асосан сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Шу сабабли Марказий сайлов комиссияси сиёсий

партиялардан келиб тушган тақлиф ва истақларини инobatга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ешлар» теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 ҳудудий телеканалларида 206 дақиқадан, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди.

Номзодларга «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурли жол» ва «Овози тожик» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдонини бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газеталарда ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдонини бепул тақдим қилинади.

Сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари номзодлар учун ошқоралик ва очиклик муҳитини яратишга кўмаклашишлари ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очик ахборотни тез-

корлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади. Ахборот дастурлари ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиб беришда оммавий ахборот воситалари тенг шароитлар, шу жумладан, дастурнинг давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шароитлар яратиб берилишини таъминлайди.

Бунда пуллик эфир вақтини ёки чоп этиш майдонини ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Тадбирда журналистлар саволлари-га жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири

# БУГУННИНГ НАФАСИ

## ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Қ(1).

**И.Хажиев, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги махсус ишчи комиссиялар фаолияти натижадорлигини ошириш асосида аҳоли бандлиги дастури ижроси мониторингини самарали ташкил қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бундай ёндашув иш жойлари қисқаришининг олдини олиш, ишсиз аҳолини касбга қайта ўқитиш ҳамда кенгайтириш ва шу орқали кафолатланган иш билан таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, фракциямиз таълим муассасалари битирувчилари ишга жойлашганлигининг ҳаққонийлигини тегишли ва-

зирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими асосида мониторинг қилиш тажрибасини кенг жорий қилишни таққилоқ этди.

**З.Акромова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжни аниқлашда янгича ёндашувлар қўлланилган. Жумладан, дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар бир қишлоқ (маҳалла) бўйича демографик ҳолат бирма-бир ўрганилган ва иш жойларига муҳтож бўлган аҳолининг ҳақиқий сони касблар кесимида аниқланган. Натижада, иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар ва тармоқларнинг ички имкониятларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда ҳар

бир туман ва шаҳар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга оид буюртмалар шакллантирилган. Фракциямиз бундай ёндашувни аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишини самарали ечимларидан бири деб ҳисоблайди.

**У.Саматов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, хотин-қизларга, имконияти чекланган шахсларга касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш хизматлари кўрсатиш учун касб-ҳунарга ўқитиш марказлари имкониятларидан кенг фойдаланиш дастур ижросини таъмин-

лашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу марказларда ишсиз фуқаролар, мавжуд бўш (вакант) иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда талаб юқори бўлган бир қатор йўналишларда касб-ҳунарга қайта ўқитилади ва малакасини оширилади. Шу билан бир қаторда, фракциямиз вакиллари банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш учун ҳудудий меҳнат органлари фаолиятига замонавий ахборот технологиялари, иш қидиришининг ихтисослаштирилган дастурлари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

**Маънавият соати**

**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сайлов тизимининг тугган ўрни» мавзусида «Маънавият соати» ўтказилди.** Унда Федерация Кенгаши, касба уюшмалари Республика кенгашилар аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Танлов



## Истеъдодлар сараланди

**ЎзКУФКнинг Ўқув марказида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўз касбининг мохир эгалари» танлови ғолиблари тақдирланди.**

Тадбирни тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анвар Абдумухторов очиб, танлов ғолибларини аниқлашда ходимларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятларига алоҳида аҳамият берилганлигини қайд этиб ўтди. Ташкилот ва муассасаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган, ўз соҳасида салмоқли ютуқларга эришган, «Устоз-шогирд» анъаналарига асосан ўз касбининг сир-асрорларини ёшларга ўргатиб, малакали мутахассисларни тайёрлаётган, меҳнат жамоаси орасида обрў-эътиборга эга бўлганлар ғолибликни кўлга киритди.

— Эътибор ва эътирофдан беҳад хурсандман, — дейди «Халқ банки» Тошкент вилояти Оққўрғон филиали касса амалиёти бўлими касса мудири Муқаддас Мақсудова. — Бу рағбат кейинги фаолиятимда менга куч ва ғайрат, шижоат бағишлайди.

Тадбир сўнгида 14 нафар вилоят босқичи ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири.** Муаллиф олган сурат.

**Энергетика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан танловнинг республика босқичи ўтказилди.**

Ғолибларни аниқлашда уларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилияти, «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттираётгани алоҳида эътиборга олинди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, «Ўзбекқумир» АЖ ходими Аҳатжон Ҳотамбоев, «Ангрэн ИЭС» АЖ ишчиси Саётхон Нурматова, «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонаси ходими Абдурашид Мирзаев ва бошқалар ғолиб деб топилди.

**Кумуш ҲАМРОЕВА**

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси тизими корхоналарида самарали меҳнат қилиб келаётган, касбининг сир-асрорларини ёшларга ўргатаётган, меҳнат жамоаси орасида обрў-эътиборли 642 та тармоқ корхона ва ташкилотларида ўтказилган «Ўз касбининг мохир эгалари» кўрик-танловининг 1 босқичида 2568 нафар ишчи-ходим иштирок этди.**

Шу тариха ҳудудий бирлашган касба уюшмаси қўмиталари томонидан ҳудудий бирлашма кенгаши билан ҳамкорликда танловнинг республика босқичига номзодлар тақдим этилди.

Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ғолибларни аниқлашда уларнинг муайян бир соҳада кўп йиллик меҳнат тажрибаси, ўзига юклатилган вазифаларни ситқидилдан бажариши, шогирдлар тайёрлаши, жамоатчилик ишларида фаол иштирокига асосий эътибор қаратилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

**Нефт-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида «Ўз касбининг мохир эгалари» танловининг навбатдаги босқичи ўтказилди.** Унда республика миқёсида ўз касбининг мохир эгалари қатнашди. Уларнинг рационализиаторлик ишлари, илмий-технологик голяри ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилди ва муносиб баҳо берилди.

Хулосага кўра, «Ўзбекгеофизика» АЖ захираларни ҳисоблаш тажриба услубий партияси бош геологи в.в.б Хуршид Абидов, «Бухорогазсаноктурилиш» АЖга қарашли «Махсус монтаж ва механизация» унитар корхонасининг 6-даражали изолировчиси Раим Асадов, «ЎзЛИТИнефтгаз» АЖ газни тайёрлаш ва транспортлаш бўлими мудири Ли Роберт ва бошқалар танлов ғолиби сифатида эътироф этилди.

Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдуз ҲАЙДАРОВА,** Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.



### Давра суҳбати

**Қарши шаҳрида «Касба уюшмалари фаолиятига доир халқаро стандартларнинг миллий қонунчилиққа акс эттиши» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.** Дастлаб вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Шамсиддин Сатторов «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳақида муассал маълумот берди.

## Инсон манфаати устувор

Шундан сўнг Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты Олим Равшанов «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нечоғлик аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш, ходимлар учун ҳавфсиз, экологик тоза иш шaroитларини яратиш, иш ўринларини асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш ҳавфлигини юзасидан шаходатлаш, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби долзарб вазифалар иш берувчи ва касба уюшмаларидан ҳамкорликда иш юртишнинг тақозо этди.

Ушбу қонунда жамоавий ҳимоя воситалари, зарарли ишлаб чиқариш омил-

лари, иш ўрни, ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касаллиги, меҳнат шaroитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнатда майиб бўлиш, ноқулай ишлаб чиқариш, ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари, шахсий ҳимоя воситалари каби тушунчалар атрофлича таърифлаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳавфсиз меҳнат шaroитларининг тўғри ва намунали ташкил этилиши ходимларнинг интизомли бўлишига, бу эса ўз навбатида, корхона ва ташкилотларда меҳнат унумдорлигини оширишига, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларига чалинишларнинг камайишига ва охир оқибатда, ишлаб чиқариш самардорлигига ҳамда корхона ва ташкилотларнинг барқарор фаолият юритишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини янада

такомиллаштириш, уни самарали йўлга қўйиш, яъни касбга оид ҳавф-хатарни баҳолаш, бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган потенциал манбаларни аниқлаш ва уларни дарҳол барқарор этилишини таъминлашга, шунингдек, ҳар бир ишчи ва ходим онига ҳавфсиз ишлаб чиқаришга шахсий манфаатдор эканлигини синдиришга олиб келади.

Айниқса, мазкур қонуннинг 31-моддасида касба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини ҳимоя этишни қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга ошириш, ташкилотларда ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини махсус текширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳолатларини яширган айбдорларни жавобгарликка тортиш юзасидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилишининг белгиланиши барча даражадаги касба уюшма органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги масъулиятининг янада ошишига ҳамда корхона, ташкилот раҳбарлари ва касба уюшмаларининг барча бўғинлари меҳнат муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратишлари ва ўз корхоналарида ишлаб чиқариш ҳавфсизлиги стратегиясини яратиш ва уни янада такомиллаштиришларига хизмат қилади.

Давра суҳбати давомида йигилганлар ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Акмал АБДИЕВ,** «Ishonch» мухбири

### Касба сайр

**Мамлакатимизда таълим соҳаси вакиллари алоҳида эътиборда.** Айниқса, уларни мароқли дам олдириш, қадимий ва навқирон шаҳарларимиз бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш ва бу орқали юртимизда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан таништириш анъана тусини олиб бораётти.

**Сурхондарёлик муаллимлар Бухорода**

Яқинда Сурхондарё вилоятдаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган 45 нафар ўқитувчи қадим ва навқирон Бухорога саёҳат қилди. Вилоятдаги тарихий-меъморий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорликлар уларда катта қизиқиш уйғотди.

— Жорий йилда ички ва тиббий туризм йўналишида 2500 нафар меҳнаткашнинг Тошкент, Хива, Термиз, Қарши, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Фарғона водийсига саёҳатини ташкил этамиз, — дейди «Зодиак» касба сайр шўъба корхонаси раҳбари Мавжуда Мирзаева.

**Ўз мухбиримиз**

### Қонун муҳокамаси

## Меҳнати муҳофазаланган ишчи фақат самарадорликка эришиш ҳақида ўйлайди



Меҳнат муҳофазаси масаласи ҳаминча касба уюшмаларининг диққат марказида бўлган. Мазкур соҳага оид Қонуннинг янги тахрири эса вазифаларимизни янада изчиллаштирди. Шу мавзунини иш берувчилар ва ходимлар иштирокида кенгрок ўрганиш, касба уюшмалари ҳаётига татбиқ этиш юзасидан Наманган вилоятида кенг қўламли ишлаб бошлаб юборилди.

«Nafis tex group» МЧЖда ўтказилган тадбир айнан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири, касба уюшмаларига берилган ваколат ва ҳуқуқлар муҳокамасига бағишланди. Мазкур корхонада 186 нафар киши меҳнат қилади. Улардан 167 нафари аёллар, 96 нафари эса 30 ёшга ча бўлган ишчи-ходимлардир. Бу ерда сифат ва ҳавфсиз ишлаб чиқариш асосий мезонга айланган бўлиб, ҳусусан, сифат хом ашёни текширишдан, муҳофазаланган иш ўрни корхонага кириш эшигидан бошланади. — Корхонамизда меҳнат муҳофазаси соҳасига жорий йил бошдан бери 73 млн. 546 сўм маблағ сарфланди, — дейди меҳ-

нат муҳофазаси бўйича вакил Мирзоалим Мирзахалимов. — Ишчиларнинг барчаси иш берувчи ҳисобидан бир йилда икки бора махсус иш қилими билан таъминланмоқда. Тозалик, гигиена воситалари, иссиқ овқат таъминоти маъмурият зиммасида. Корхонада «JUKI», «KANSAI» каби тилкув, «ASTRON» бичув машиналарининг сўнгги моделлари, шунингдек, қатор замонавий дастгоҳлар қулай, ҳавфсиз меҳнат қилиш имконини бермоқда. Бу ерда асосан эркаклар, аёллар ва болалар трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Аниқроқ айтганда, соғлом, баркамол оила учун керакли кийимнинг барча турларини мазкур корхонадан топасиз.

— Ишчи-ходимларнинг аксарияти қоллеж битирувчилардир, — дейди касба уюшма қўмитаси раиси Ширин Алёева. — Ёш бўлишига қарамай уларнинг маҳорати ва малакаси юксак эканлигини эътибор қилиш зарур. Ҳаминча бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатликда ишлаганимиз учун 20 турдан ортиқ болалар ва катталар кийим-кечкалари мамлакатимизда,

шунингдек, Россия, МДҲ мамлакатларида ўз харидорини топиб улгурди. Махсулотларимиз халқаро миқёсда ҳам эътироф этилиб, ISO — 9001: 2008 сертификати қўлга киритдик.

— Бу ютуқлар соғлом, ҳавфсиз, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш таомилига оғишмай риоя қилинаётгани тўғрисида, — дея тушунтириш берди тадбирда иштирок этган вилоят КУТБ меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Мирзаномир Қорабоев. — «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири бу борадаги ваколат ва имтиёзларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Хусусан, касба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек, ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш учун вакил этган шахсларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, касба уюшмалари касб касалликларини текширишда, тиббий меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида ишлаб чиқариш объектлари ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишда мустақил эксперт сифатида иштирок этадилар.

Йигиллиш давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилиб, корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги намунали тажрибасини омаллаштиришга келишиб олинди.

**Гулчехра ҚАЗАҚБАЕВА,** Истеъмош товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Халқаро тамойил ва қонунлар асосида



ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

«ИСТИҚЛОЛ ГҲНЧАЛАРИ» ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТДИ



(1)

Ушбу танловда корхона ва ташкилотлар балансида бўлган маданият саройларида, шунингдек, жойлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадий жамоаларининг 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган қатнашчилари 4 та йўналишда — аънавий ижрочилик, эстрада кўшиқчилиги, яқка ва ансамбл чолғу ижрочилиги ҳамда яқка ва жамоа рақси ижрочилиги бўйича иштирок этишди. Сентабр ойида ўтказилган туман босқичлари 7 минг 724 нафар ёш истеъдодни саҳнага чорлади. Иккинчи ҳудудий босқичида эса 1 минг 700 нафар иқтидорли санъатсевар болалар ўз маҳоратларини кўрсатиб, аънавий ижрочилик, эстрада кўшиқчилиги, яқка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқка ва жамоа рақси ижрочилиги йўна-

лишларида истеъдодларини намойён этдилар. Ғолибларни аниқлаш чоғида иштирокчиларнинг ижрочилик маҳорати, куй-кўшиқларнинг мазмуни, саҳнадаги ҳаракати эътиборга олинди. Шунингдек, кўшиқ матнининг бадий мукамаллиги ва таъсирчанлиги, куйларнинг миллийлиги ва ўзига хослиги, энг муҳими, юртга садоқат, келажакка ишонч ғолибларга нечоғли таъсирчан ифода этилганига жиддий аҳамият қаратилди. Зеро, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадий мукамал кўшиқлар ҳар қандай инсонни шижоатга ундайди. Мазкур кўрик-танловнинг якуний — республика миқтакавий босқичи 4 та ҳудудда — Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Уларда вилоят босқичларининг ғолиби бўлган 300 нафарга яқин ёш истеъдод иштирок этди.

Истеъдод парвози

Кўрик-танловнинг Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган якуний — минтакавий босқичида Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 94 нафар иқтидорли ўғил-қизининг аънавий ва эстрада кўшиқчилиги, рақс ва чолғу йўналишлари бўйича чиқишлари томошабинларда кўтаринки кайфият уйғотди.

— Муסיқа кўнғил торларини чертиб, муссаффо туйғуларга ошно қилди, эзуглик умиди билан айланишга ундайди, — дейди Ўзбекистон касасабо уюшмалари Федерацияси Кенгаши Санатор-курортлар бошқармаси етакчи мутахассиси Махмуда Мурзаева. — Ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари руҳлантириш борасида «Истиқлол гўнчалари» кўрик-танлови алоҳида ўрин эгалламоқда. Кенг қўлламай ишлар самарасида ўғил-қизларимиз нуфузли халқаро кўрик-танлов ҳамда муסיқа ва санъат фестивалларида юксак натижаларни кўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини намойён этаётди. Айтиш жоизки, кўрик-танловда

фарзандларимизнинг ниҳоятда истеъдодли эканликлари яққол намойён бўлди. Айниқса, Жиззахлик Зарнигор Бозорова ижро этган «Қадимий ушшоқ», Тошкент вилоятилик Шухрат Миртурғунов куйлаган «Ўзбекистон» кўшиғи, пойтахтнинг «Зарб» доирачилар гуруҳи ва Сирдарёнинг «Лола» болалар ансамбли чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. — Ушбу кўрик-танловда «Қади» рақсини ижро этдик, — дейди «Лола» рақс гуруҳи аъзоси Хурият Исроилова. — Биринчи ўринни эгаллашни ният қилган эдик. Мақсадимизга эришдик. Қолаверса, санъат байрами баҳона қўллаб истеъдодли тенгдошларимиз билан танишдик. Уларнинг чиқишлари биз



Орзиқиб кутилган кун

Нуқс шахри ҳам «Истиқлол гўнчалари» кўрик-танловининг Республика миқтакавий босқичига мезбонлик қилди. «Дўстлик» канали бўйида жойлашган Бердак номидаги муסיқали театр саҳнаси байрамона безатилди. Навоий, Бухоро, Хоразм ва қорақалпоғистонлик ёш истеъдод эгалари кўзни яшнатадиган миллий либосларда гўлдек очилиб, маҳоратларини намойиш этишди.

қизиқлигини ҳар томонлама рағбатлантириб бориш ижобий натижага бериши шубҳасиз. Кўрик-танлов натижаларига қўра, аънавий ижрочилик йўналишида Қораўзақ тумани болалар фольклор этнографик жамоаси (Қорақалпоғистон), эстрада кўшиқчилиги йўналишида Жамшид Адизов (Навоий вилояти), яқка ва ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишида Амурдарё туман «Тасанно» доирачилар ҳаваскорлик жамоаси (Қорақалпоғистон) ҳамда яқка ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишида Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйининг «Тонг гўнчалари» жамоаси (Қорақалпоғистон) ғолибликни кўлга киритди. Тадбир якунида Ғолиблар ва иштирокчиларга Ўзбекистон касасабо уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири



МЕНИНГ ИСМИМ «IPHONE 7»

Украина фуқароси Александр Турин ўз исмини расман iPhone Sim (Seven) деб ўзгартирди. Айтишларича, собиқ Саша электроника дўконига ўз исмини iPhone 7'га алмаштирган илк беш кишига мазкур махсуслот текинга тақдим қилиниши ҳақидаги эълонни ўқигандан сўнг шундай йўл тутган.



Жаноб iPhone Sim (Seven) 29 октябр — жума кuni орзусидаги мукофотни кўлга киритди. Дарвоқе, у агар истаса, фарзандли бўлганида асл исмини қайта олши мумкин. Телефон баҳоси Украинада 850 АҚШ долларини ташкил қилади. Айфон Симнинг оиласи ва дўстлари аввалига бундан ҳайратга тушишди, бироқ кейинчалик унинг қарорини қўллаб-қувватлашди. Опаси Татьяна Панина эса «бунга ишонин ва тан олиш қийин бўлганини» таъкидлади ва қўшимча қилди: «Ҳар бир инсон бу дунёда ўзини намойён қилиш йўлини излайди, ҳўш, нима учун буни шу йўл билан амалга оширмаслик керак экан?»

ИТАЛИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

31 октябрга ўтар кечаси Италиянинг марказий қисмида яна 3 марта ер силкиниши рўй берди. Бу ҳақда Европа-Урта ер сейсмология маркази хабар тарқатди. Маълумотларга қўра, ер силкиниши маҳаллий вақт билан соат 4:27 да 4,2 балл куч билан қайд этилган.



Эслатиб ўта- миз, 30 октябр кuni ҳам Италия- нинг маркази ва жанубий қисмла- рига 6,6 балли кучли зилзилла- лар содир бўлганди. Маъ- лумотларга

қўра силкиниш эпимаркази Перуджи шаҳридан 67 км. узоқликда 10 км. чуқурликда жойлашган. Табиий офат натижасида Норча шаҳри жиддий таловат қўрган. 26 октябр кuni Марке вилоятида икки соат ичи- да 5,4, 5,9 балли кучли силкинишлар ва бир неча майда силкинишлар содир бўлган. 24 августда эса мамлакат марказий қис- мининг тоғли ҳудудларида 6,0 балли сил- ки- ниш содир бўлганди.

ТИК УЧУВЧИ САМОЛЁТ

Boeing корпорацияси вертикал парвоз қилувчи ва кўнуччи йўловчи самолётни патентлади. Ҳаво кемаси ҳам вертикал, ҳам горизонтал ҳолатда ишлай оладиган айланувчи винтли тўртта двигател билан (ҳар бир қонитига иккитадан) таъминланган режа- лаштирилмоқда. Вертикал ҳолат парвоз ва кўнуч чоғида қўлланади, горизонтал ҳолат эса — одатий само- лёт сифатида парвоз қилиш учун.



Патентга қўра, л а й н е р н и н г йўловчи сизими камиди 100 киши- ни ташкил қила- ди, ундан минта- қавий тиждорат рейсларида фой- даланиш режа- лаштирилмоқда.

Шунингдек, самолётдан ҳарбий мақсадлар- да фойдаланиш ва бизнес-жет сифатида эксплуатация қилиш мумкин.

Интернет хабарлари асосида Улўбек ИБОДИНОВ тайёрлади.

«O'zbekinvest Hayot» масъулияти чеклан- ган жамияти шаклидаги сўғурта компания- си жамоаси ходимлар билан ишлаш бўйича менежер ассистенти Раъноҳон Нишоновга онаси Карима ҳожи ая РОЗИҚОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдирди.

Инсон қалби сув ичган дарёлар — куй-кўшиқ, рақс ҳеч қачон таржимага эҳтиёж сезмайди. Қалбдан қалбга оқиб кирувчи бу мўъжиза кўнғилга қувват, ором бахш этади. «Истиқлол гўнчалари» кўрик-танловининг ҳар бир босқичида ижро этилган санъат намуналари ана шундай юксак маънавий озик улашди.

Қалбдан кўчган оҳанглар

Танловнинг якуний — республика босқичининг водий вилоятлари бўйича баҳси Наманган шаҳридаги 11-Болалар муסיқа ва санъат мактабига ўтказилди. Унда уч вилоятдан 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 37 на- фар иқтидор эгаси тўрт йўналиш бўйича маҳоратини синовдан ўтказди.

Беғубор болалиқнинг соҳир оҳанглари ҳукмонлик қилган маз- кур кўрик-танлов иштирокчилари иқтидорини нуфузли ҳақамлар ҳайъати баҳолаб борди. Уларнинг якуний охишларига қўра, Наманган тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қатнаш- чиси Жавоҳир Боймирзаевнинг битта саз билан ижро этган «Ўтди- му» кўшиғи аънавий ижрочиликда, Сардор Мирзаабдуллоев (Ўйчи туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази) «Араб танго- си» асарига эстрада кўшиқчилиги йўналишида биринчи ўрин- га сазовор бўлишди. Яқка ва ансамбл чолғу ижрочилигида Анди- жон вилояти Жалақудуқ тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказининг «Чолғувчи қизлар» гуруҳи барчани маҳорат борасида ортда қолдирди. Яқка ва жамоа рақси ижрочилиги бўй- ича баҳсга киришган иштирокчилар орасидан ғолибларни аниқ- лаш ҳақамларга ҳам қийинчилик туғдиргани рост. Зеро, уларнинг барчаси тенгсизлик борасида бир-бирдан аъло эди. Аммо тан- лов талабига қўра ғолиб номи эълон қилинди: Андижон вилояти- нинг Бўя туманидан келган қизлар корейсча «Елпигич рақси» бил- ан маррани забт этишди.

— Бугунги танловнинг юқори даражада ташкил этилганлигини эътироф этмай ололмай йўқ, — дейди Фаргона вилоят Уқўпрк тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўғрақ қат- нашчиси Лайлоҳон Арҳамова. — Аънавий ижрочилик йўналишида «Кўноқ қизалок» кўшиғим билан иккинчи ўринга сазовор бўлдим. Таассуротларим бир олам. Иқтидоримизни намойён этишда бугунги- дек санъат байрамлари катта аҳамиятга эга. Бунинг учун касасабо уюш- маларига раҳмат. Умуман олганда, вилоятимиздан келган ҳар бир иштирокчи ўз иқтидорини намойён этиб муносиб тақдирланди.

— Иқтидор эътибор ва рағбатдан қувват олади, — дейди Анди- жон вилоятидаги Асака марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўғрақ раҳбарим Истамжон Усмонов. — Бугун шоғирдим Мухаммадидёр Мўминово эстрада кўшиқчилиги йўналишида 2-ўринга муносиб деб топилди. Унинг муваффақияти мени устоз сифатида жуда тўлқинлантирди.

Ғолиб ва совриндорлар касасабо уюшмаларининг дипломи ва эс- далик совғалари билан тақдирланди. Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар иштирокчида «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интер- натлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари учун ҳисо- бот концерт ташкил этилди.

Дилдора РАҲМОнова, «Ishonch» мухбири

Гимнастика барча учун

муносабати билан ташкил этилган тадбир имконияти чекланган ёшларни, хусусан, қиз- ларни соғлом ҳаёт тарзи сари етказлаш, мам- лакатимизда аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тиббий ва ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларнинг жамиятда мослашувига ҳар жиҳатдан ёрдам бериш, оммавий спортга кенг жалб этиш, улар саломатлигини яхшилаш, Ўзига ишонч,

қатъият, мақсад сари дадил интилиш каби фазилатларни мустаҳкам қарор топтиришга қаратилди. Унда Тошкент шаҳридаги 6 та мақсуд мактаб интернет ҳамда 2 та «Мурув- ва» уйи тарбияланувчилари беллашди. 120 нафар иштирокчи қатнашган бахслар қизи- қарли ўтди.

Жамоалар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўми- тасининг тегишли номинациялар бўйича дип-

ломлари ҳамда Болалар спортини ривожлан- тириш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу йўналишдаги фестивал республика- мизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdullaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xotlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Xotlar va o'lonlar - 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 314-13-03. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-91) 233-69-07. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Qodirova. Navbatchi: S.Abdurahmonov. Musahhil: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdullajlov. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonaning nomi: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma F - 1115. 13695 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Taqdimot xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Inpota Bank» Yashobod filiali, bank kod: 00950, STIP: 201133889, OKONX: 87100